

Ота-онанинг розилиги жаннатдан жой олишдир



13:47 / 22 май 1023

Албатта, ҳар бир банданинг асосий мақсадларидан бири жаннатдан жой олишдир. Зотан, бу дунё ҳаётидан мақсад ҳам шу. Шунинг учун банда борки, ўзининг жаннатга киришига сабаб бўладиган амални қилиш пайдан бўлади. Ота-онага яхшилик қилиш мазкур амаллар ичида энг кўзга кўринганларидан бири ҳисобланади.

دُعَسَ وَهَو - دُوْعَسَمَ نُبَا نَع
يُنَا سَابَع نُبَا لُتْلُق : لَأَق
دَاهِجْ لَأ يَلَعُ صِي رَح لُجَر
دَقْ وَا لَأ يَمُوقُ نَمُ دَحَأ سِي لَو
لَأَقُ وَا - دَاهِجْ لِبَاقِ حَل

نإو ، ي أوبأ أا - راصم أاب
كذل هراك يبأ وأ ي أوبأ

ال يسأبع نأبالاقف

نأدلأو هل لجر حبص

الاق . نسح م وهو حبص

أا ، م عن :الاق ؟ أم هي ل :تلق

نم ني باب هل ل ا خ ت ف

وهو يس م ي أا ، ء ن ج ل ا ب أوبأ

هل ل ا خ ت ف أا نسح م

نإو ، ء ن ج ل ا ب أوبأ نم ني باب

وهو حبص ي أا ، أ د ح أ و ن ا ك

هل ل ا خ ت ف أا نسح م

يس م ي أا ، ء ن ج ل ا نم أاب

هَلْ هَلَلَا حَتَّفَ الْإِنْسُحُمَ وَهَو
بَضْعِي الْوَيْهَ نَجْلَانِمَ أَبَاب
يَضْرِي فِ أُمَّه نِمُ دِحْ أَوْ هَيْلَع
يَّتَحُّ هَنْعٌ لَجَّو زَعُ هَلَلَا
نَاكُ نِإُو تُلُقُ لَأَقِ . يَضْرِي
أَمَلِ أَظَنَّاكُ نِإُو لَأَقِ ؟ أَمَلِ أَظَ .

Саъд ибн Масъуддан ривоят қилинади:

«Ибн Аббосга: «Мен жиҳодга ҳарис одамман. Қавмимдан жиҳодга қўшилмаган ёки турли юртларга бормаган ота-онамдан бошқа ҳеч ким қолмаган. Ота-онам - ёки отам - буни ёқтирмайди», дедим.

Шунда Ибн Аббос: «Ота-онаси бор одам уларга яхшилик қилмасдан тонг оттирмасин», деди.

«Иккисигами?» дедим.

«Ҳа! Аллоҳ унга жаннат эшикларидан иккитасини очади. Ким яхшилик қилган ҳолда кеч киритган бўлса, Аллоҳ албатта унга жаннат эшикларидан иккитасини очади. Агар биттаси бўлса, унга яхшилик қилиб тонг оттирса, Аллоҳ албатта унга жаннат эшикларидан бирини очиб қўяди ва улардан бирига яхшилик қилган ҳолида кеч киритса, Аллоҳ албатта унга жаннат эшикларидан бирини очиб қўяди. Улардан бири ундан (боласидан) ғазабланса, у рози бўлмагунича Аллоҳ рози бўлмайди», деди.

«Золим бўлса ҳамми?» дедим.

«Золим бўлса ҳам», деди».

Шарҳ: Ушбу ривоятнинг қаҳрамони Саъд ибн Масъуд жиҳодга қаттиқ қизиққан одам бўлган. Аммо ота-онаси уни бу ишдан қайтарганлар. Уларнинг қавмидаги барча кишилар жиҳод ёки бошқа юртларга сафар қилишда қатнашган. Саъд ибн Масъуднинг ота-онасидан бошқа қабиланинг барча одамлари мазкур ишларни қилишган. Саъд ибн Масъуд ўзича бундан уялиб, ўзига нуқсон бўлиб кўринаётган нарсадан оиласини халос қилмоқчи, бошқаларнинг олдида уялишга чек қўймоқчи бўлган. Аммо ота-онаси ўзларининг қилмишлари етмагандек, фарзандлари Саъд ибн Масъудни ҳам бу савобли ишдан қайтармоқдалар.

Ана шундай бир пайтда Саъд ибн Масъуд катта саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига шикоят қилиб келди. Сўнг нима бўлганини у кишининг ўзидан эшитамиз:

«Мен жиҳодга ҳарис одамман. Қавмимдан жиҳодга қўшилмаган ёки турли юртларга бормаган ота-онамдан бошқа ҳеч ким қолмаган. Ота-онам - ёки отам - буни ёқтирмайди», дедим».

Бу саволнинг зимнида «Ота-онам ёқтирмаса ҳам, ўзбошимчалик қилиб жиҳодга кетаверайми?» деган гап бор. Хўш, бу саволга Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу қандай жавоб берар экан? Ахир у киши «Ислом умматининг илм денгизи» лақабини олган улуғ олим саҳобийдир. Жавоб қандай бўлганини Саъд ибн Масъуднинг ҳикояси давомидан билиб оламиз.

«Шунда Ибн Аббос: «Ота-онаси бор одам уларга яхшилик қилмасдан тонг оттирмасин», деди.

«Иккисигами?» дедим».

«Ҳа! Аллоҳ унга жаннат эшикларидан иккитасини очади».

Ота-онага яхшилик қилган ҳолда тонг оттириш жаннатнинг бир йўла икки эшигининг очилишига сабаб бўлар экан.

«Ким яхшилик қилган ҳолда кеч киритган бўлса, Аллоҳ албатта унга жаннат эшикларидан иккитасини очади».

Ота-онасига яхшилик қилган ҳолда кунни кеч қилиш билан фарзандга жаннатнинг яна икки эшиги очилар экан. Фарзанд ота-онасига яхшилик қилгани учун унга жами бўлиб бир кеча-кундузда жаннатнинг тўрт эшиги очилар экан. Бундай бахт ҳар кимга ва ҳар қандай амал учун ҳам насиб бўлавермайди.

Ота-онанинг икковлари бўлмай, фақат бирлари бўлса ва бола ўша бориға яхшилик қилса ҳам, бебаҳра қолмайди.

«Агар биттаси бўлса, унга яхшилик қилиб тонг оттирса, Аллоҳ албатта унга жаннат эшикларидан бирини очиб қўяди ва улардан бирига яхшилик қилган ҳолида кеч киритса, Аллоҳ албатта унга жаннат эшикларидан бирини очиб қўяди».

Фарзанд ота-онадан бирига яхшилик қилгани учун бир кеча-кундузда жаннатнинг иккита эшиги очилишига эришар экан. Демак, доимий равишда ота-онага яхшилик қилиш пайдан бўлиш керак экан.

Шу билан бирга, ота-онанинг ёки улардан бирининг ғазабига дучор бўлмаслик пайдан бўлиш лозим.

«Улардан бири ундан (боласидан) ғазабланса, у рози бўлмагунича Аллоҳ рози бўлмайди».

Ҳа! Ота-онасининг ёки улардан бирининг ғазабига учраган бола Аллоҳ таолонинг ҳам ғазабига учраши турган гап.

Ота-она ҳам банда, уларнинг ғазаби ҳақдан ҳам, ноҳақдан ҳам чиқиши мумкин. Агар ота-она фарзандидан ноҳақ равишда ғазабланса ҳам, юқоридаги гапларга тўғри келаверадими? Ана шу мулоҳаза ривоят қаҳрамони Саъд ибн Масъуднинг хаёлига ҳам келди. Буни ҳам аниқлаб олиш учун:

«Золим бўлса ҳамми?» деди.

«Золим бўлса ҳам», деди».

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг бу жавоблари замирида, «Албатта, Аллоҳ таолога маъсият бўлмаган нарсаларда», деган истисно ҳам бор. Чунки бу умумий ва ҳаммага маълум қоидадир.

Ушбу ривоятдан олинадиган фойдалар:

1. Бирор аҳамиятли ишга қўл урмоқчи бўлган одам илмми кишидан сўраб, билиб олиши кераклиги.
2. Ота-онанинг фарзандга қилаётган муомаласида шубҳа бўлса, фарзанд улардан илмми одамга шикоят қилиши жоизлиги.

3. Қадимда боласининг жиҳодга боришига тўсиқ бўлган ота-оналар бўлгани.
4. Ота-онаси бор одам кундузи иккисига яхшилик қилса, Аллоҳ унга жаннат эшикларидан иккитасини очиши.
5. Ота-онаси бор одам кечаси икковларига яхшилик қилса, Аллоҳ унга жаннат эшикларидан иккитасини очиши.
6. Ота-онасидан бири бор одам кундузи унга яхшилик қилса, Аллоҳ унга жаннат эшикларидан бирини очиши.
7. Ота-онасидан бири бор одам кечаси унга яхшилик қилса, Аллоҳ унга жаннат эшикларидан бирини очиши.
8. Ота-онадан бири боладан ғазабланса, у рози бўлмагунича Аллоҳ рози бўлмаслиги.
9. Ота-она зулм қилса ҳам, фарзанд сабр қилиши кераклиги.

لَاقٍ رَابِحًا لِبُعْكَ نَع
 نَمٌ، يَنْبُ أَيُّ هِنْبِالٍ نَأْمُقُل
 يَضُرُّ دَقَفِ هِيَدِلِ أَوْ يَضُرُّ
 دَقَفِ أُمَّهَ طَخُسَا نَمَو، نَمُحَّرِلِ
 أُمَّنِ، يَنْبُ أَيُّ، نَمُحَّرِلِ طَخُسَا
 بَأُوبًا نَمُ بَأَبِ نَأِدِلِ أُولِ
 تَيَضَمِ أَيُّضَرُّ نَأِفِ، هُنَجُّ لِ

اطخ س ن ا و ر ا ب ج ل ا ل ا ت ب ج ح

Каъбул Аҳбордан ривоят қилинади:

«Луқмон ўғлига шундай деди: «Эй ўғлим, ким ота-онасини рози қилса, Раҳмонни рози қилган бўлади. Ким ота-онасини норози қилса, Раҳмонни норози қилган бўлади.»

Эй болам, ота-она жаннат эшикларидан биридир. Агар рози бўлсалар, Жаббор сари борасан. Агар аччиқлари чиқса, маҳрум бўласан».

Шарҳ: Луқмони ҳаким ва унинг ўғлига қилган насиҳатлари Қуръони Каримда ҳам зикр қилинган. Бу ривоятдан Луқмони ҳакимнинг ўғлига қилган насиҳатлари ҳадисларда ҳам баён қилинганини билиб оламиз.

«Эй ўғлим, ким ота-онасини рози қилса, Раҳмонни рози қилган бўлади».

Ота рози – Худо рози, она рози – Худо рози, деган гаплар мана шу ҳадислардан олиниб, мақолга айланиб кетган. Шунинг учун фарзандлар ота-оналарининг розилиги учун ҳаракат қилишлари, бу масалада ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари лозим.

«Ким ота-онасини норози қилса, Раҳмонни норози қилган бўлади».

Ота-онанинг розилигини топиш учун ҳаракат қилиш билан бир қаторда уларнинг норозилигига учрашдан ҳам сақланиш лозим бўлади. Чунки ота-онанинг норозилиги Аллоҳнинг норозилигига сабаб бўлади.

Ушбу икки ишнинг ўзи фарзанднинг жаннатга киришига сабаб бўлиши турган гап. Аммо, шу билан бирга, яна ҳам таъкидлаш учун қуйидаги жумла ҳам келтирилмоқда:

«Эй болам, ота-она жаннат эшикларидан биридир. Агар рози бўлсалар, Жаббор сари борасан. Агар аччиқлари чиқса, маҳрум бўласан».

Юқорида ўтган ривоятлардан бирида «ота-она жаннат эшигининг очилишига сабаб», дейилган бўлса, бу ривоятда улар айнан «жаннат эшиги» деб аталмоқда. Бу ибора яна ҳам таъсирчан чиққан.

Шундай экан, ҳар бир фарзанд ота-онасининг розилигини топиб, улар орқали жаннатга кириш пайдан бўлсин.

Ушбу ривоятдан олинадиган фойдалар:

1. Ота-онасини рози қилган фарзанддан Аллоҳ таоло ҳам рози бўлиши.
2. Ота-онасининг ғазабини чиқарган фарзанддан Аллоҳ таолонинг ҳам ғазаби чиқиши.
3. Ота-она жаннат эшикларидан бири экани.
4. Ота-онасини рози қилган фарзанд Аллоҳ таолонинг ҳузурига очиқ юз билан бориши.
5. Ота-онасининг ғазабига учраган фарзанднинг йўли тўсилиб қолиши.

نَمُحْرِلًا ذَبَعَتْ نَبَءَ رَمَعٍ نَع
أَنَا أَنْيَبَ لَأَقِ رِيْبِنَلَا نَأ
، نَجَلَا يَفِي نُنْتِي أَرْذِي مِئَان
نَمُ تُلُقَفَ أَرَأَقُ تَعَمَسَف
نُبُءَ شِرَاحَ : أَوْلَاقَفَ ؟ آذَه
، رَبُّلَا مُكِلَدَكِ ، نَأْمُعُنَلَا
رَبَّأَنْ مَنَّاكَ وَ ، رَبُّلَا مُكِلَدَكِ

«وَمُأْتِ سَأْنَلَا».

Амрата бинти Абдуррахмондан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тушимда ўзимни жаннатда кўрибман. Бир қорини эшитдим ва: «Бу ким?» деб сўрадим. «Ҳориса ибн Нуъмон. Яхшилик шунақа бўлади. Яхшилик шунақа бўлади», дейишди. У одамларнинг онасига энг кўп яхшилик қиладигани эди», дедилар».

Шарҳ: Ҳориса ибн Нуъмон розияллоҳу анҳу онасининг розилигини олган, хизматини қилган фарзандлардан экан. Ана шу сабабли у кишининг жаннатга тушиш башорати Расулуллоҳга тушларида кўрсатилган экан. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тушларида жаннатда юриб, Ҳориса ибн Нуъмон розияллоҳу анҳунинг у ерда қироат қилаётганларини эшитиб, сўраб, у кишининг кимлигини билган эканлар.

Бошқа ривоятларда зикр қилинишича, Ҳориса ибн Нуъмон розияллоҳу анҳу онасининг бошини қараб қўяр ва ўз қўли билан у кишига таом берар экан. Бирор гапларини англамай қолса ҳам, «Нима дедингиз?» деб сўрамас, ташқарига чиққанда, бошқалардан «Онам нима дедилар?» дея сўрар эканлар.

Албатта, эркак киши бировнинг бошини қараб, уни сирка ва шунга ўхшаш нарсалардан тозалаши осон иш эмас. Бу ишни қилиш учун сабр билан бирга чексиз ихлос ҳам керак бўлади. Шунингдек, катта одамга доимий равишда қўли билан таом егизиб бориш ҳам мислсиз чидам билан бирга беназир муҳаббат ва эҳтиромни ҳам тақозо қилади.

Она гапирганида бирор сўзни англамай қолган фарзанд онасининг ўзига индамай, ташқарига чиқиб, «Ҳозир онам нима дедилар?» деб сўраши онага бўлган эҳтиромнинг олий намунаси десак, муболаға бўлмайди.

Албатта, зикр қилинган нозик ишларни қойилмақом қилиб ўринлатган одам улардан бошқаларини гўзал тарзда жойига қўйган бўлади. Шунинг учун ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳориса ибн Нуъмон розияллоҳу анҳуга жаннат башоратини берганлар.

Ҳориса ибн Нуъмон розияллоҳу анҳунинг оналарига кўрсатган хизматлари ҳар бир мўмин-мусулмон фарзандга яхши ўрнак, гўзал намуна бўлиши

лозим.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тушларида жаннатни кўришлари.
2. Жаннатда қорилар қироат қилиши.
3. Ҳориса ибн Нуъмон розияллоҳу анҳунинг фазллари.
4. Онанинг розилиги ва хизмати ила жаннатий бўлиш мумкинлиги.

عَبْدُ شَمْسٍ، رَأَى بَنِي لَيْلَى عَزَمَ عَن

Амрадан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан худди юқоридагидек ҳадис ривоят қилинади».

Шарҳ: Худди шунга ўхшаган ривоятни бошқа одам ҳам айтган экан. Аввалги гапни тасдиқлаш учун, кучли эканлигини билдириш учун ҳадис илми уламолари ривоятни такрор келтириб қўйишади.

أَبَا تَمْدَقٍ: لَأَقِي سَيِّقًا لِنَع
، عَزِيْرُهُ أَبَا أَيُّ تُلُقَفَ عَزِيْرُهُ
، هَلَلًا هَلْضَفَ دَقَ دَاهِجًا نَا
يَتَلَحَّارُ تَلَحَّارَ أُمَّ لُكَّيْنًا
: لَأَقِي. يَلَحَّارَ أَطْحَفَ أَيُّ دِلَّوْءَاجِ
، أُمَّ هَيَلًا حَلْصَافَ، كُتَّ نَجَّ أُمَّه

Қайсийдан ривоят қилинади:

«Абу Ҳурайрага: «Эй Абу Ҳурайра, Аллоҳ жиҳодни фазилатли қилиб қўйган. Мен қачон юкимни юкласам, ота-онам келиб, юкимни уловдан туширишади», дедим.

Шунда у уч марта: «Икковлари сенинг жаннатинг, уларга яхшилик қилавер», деди».

Шарҳ: Ушбу ривоятнинг соҳиби Қайсий ўзича жиҳодда иштирок қилиб, савобини кўпайтириб, жаннатга кириш иштиёқида экан. Аммо қачон мазкур ниятни амалга оширишга киришиб, сафар анжомларини уловига юкласа, ота-онаси унинг юklarини тушириб, ўзини сафардан қайтарар эканлар.

Қайсий ўзини жаннатга эришиш йўлидаги ишдан қайтараётган ота-онаси устидан катта саҳобийлардан бўлган Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга шикоят қилишга қарор этди. У кишининг ҳузурига бориб: **«Эй Абу Ҳурайра, Аллоҳ жиҳодни фазилатли қилиб қўйган. Мен қачон юкимни юкласам, ота-онам келиб, юкимни уловдан туширишади»,** деди.

Аммо Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг жавоби Қайсий орзу қилгандек чиқмади. У киши арзни тинглаганидан кейин ота-онасидан шикоят қилаётган, жаннатга киришига сабаб бўладиган амалдан қайтаришда уларни айблаётган фарзандга: **«Икковлари сенинг жаннатинг, уларга яхшилик қилавер»,** деди».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шу гапни уч марта қайта-қайта такрорладилар. Демак, ҳаттоки жиҳодга отланиб турган одам учун ҳам ундан кўра ота-онанинг розилиги, уларнинг хурсандчилиги афзал экан.

Ушбу ривоятдан олинadиган фойдалар:

1. Ота-онанинг қилаётган ишини тушуниб етмаган бола илмли кишилардан сўраб, аниқлаб олиши кераклиги.
2. Қадимда ҳам боласини жиҳоддан қайтарган ота-оналар бўлгани.

3. Ота-она рози бўлмаса, жиҳодга бориш мумкин эмаслиги.
4. Керакли гапни уч марта такрорлаб айтиш мумкинлиги.
5. Ота-она фарзанднинг жаннати экани.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.